# БОБУР ДИПЛОМАТИЯСИДА ХОЖА АҲРОРИ ВАЛИ МАВҚЕИ

**Ҳ.ҚУДРАТУЛЛАЕВ**

*В статье, опираясь на «Бабурнаме», рассмотрены роль и место Хаджи Ахрара вали в дипломатических отношениях Бабура с другими правителями тимуридами.*

*Relying on the "Baburname", the role and place of Hadji Ahror vali (philosopher) in diplomatic relations of Babur with the other rulers of ancestors of Temur is considered in this article.*

Амин Мааллуф Умар Хайём ҳаётига оид «Самарқанд» романида мўғуллар истилосининг оқибатлари ҳақида ёзади: “Ер юзининг энг гуллаб-яшнаган шаҳарлари: Пекин, Бухоро, Самарқанд ер билан яксон қилинди... Бундай қирғинбаротдан кейин ҳам Самарқанд култепалар ўрнида қайтадан қад ростлади. Кейинчалик буюк Темур уни дунёвий салтанат марказига айлантирди. Аксинча, кўплаб шаҳарлар бир умрга култепа ҳолича қолиб кетдилар. Жумладан, бир неча асрлар тафаккурий тараққиёт марказлари бўлган Марв, Балх, Нишопур шаҳарларининг қисмати шундай бўлди”.

Нега айнан темурийлар салтанатига дахлдор Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз шаҳарлари бунчалик тез камол топди, оламга машҳур бўлди, қадриятимизга оид тарихий, ахлоқий , бадиий, илмий, ирфоний асарлар маълум даражада асраб қолинди? Бунинг энг муҳим омили ўша даврда ҳукмронлик даражасига кўтарилган мафкура умуминсоний тафаккур асосидаги ҳанафийлик мазҳабига таянган нақшбандия тариқатининг мавқеи эди.

Амир Темур Кўрагоний давлати кун сайин мустаҳкамланиб, ривож топар экан, темурий султонлар, энг аввало, соҳибқироннинг ўзи ислом динини асос этган бу мафкурани салтанат ғояси сифатида қабул қилдилар. Бу мафкура, айниқса, Баҳоуддин Нақшбанд тариқати жамият аҳлини юксак инсоний тафаккур сари тарбиялаш, Оллоҳга садоқат қатори тинимсиз бунёдкорлик меҳнати билан шуғулланишни ўз мақ-сади деб билди. Қисқа вақт ичида Мовароуннаҳр, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистон ҳу-дудида Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Занги Ота, Хожа Аҳ-рори вали ва бошқа ўнлаб буюк сиймолар майдонга чиқиб, халқни ахлоқ-одоб, инсоф ва диёнат, сабр-чидам, имон ва пок эътиқодлилик ру-

ҳида тарбиялашга киришдилар. Ислом олами бу сиймоларга фақатгина эргашди эмас, уларга юксак эҳтиром билан қаради, ҳар бирларининг шахсияти давр ахлоқи, Комил инсонликнинг мезонига айланди. Ана шу бунёдкор ғоялар боис, шу сулукка юксак эътиқод боис соҳибқирон Амир Темур салтанати юксакликка кўтарилди. Мўғуллар култепага айлантирган Самарқанд тарихан ҳаял ўтмай «сайқали рўйи замин» сифатида донг таратди.

Биз бу мақоламизда XV-XVI асрнинг икки буюк шахси ҳақида фикр юритмоқчимиз. Бири Шарқда уйғониш (ренесанс) даврининг амалга ошишига маънавий бош бўлган тасаввуф тариқатининг пешвоси, валии аъзам, давлат арбоби Хожа Убайдулла Аҳрори вали (Хожа Аҳрори вали), иккинчиси бу шахсга юксак эътиқод этган, ўзининг пири, маънавий халоскори деб билган шоҳ, шоир ва адиб Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир.

Заҳириддин Бобур (1483-1530) ҳам ўз даврининг етук зиёлилари қатори Хожа Аҳрори валига юксак эътиқод билан қараган. Гарчи Бобур Хожа Аҳрордан анча кейин туғилган, уни кўрмаган бўлса ҳам, даврининг бу буюк сиймосига нисбатан жуда юксак эҳтиром билан қараган. Биз Заҳириддин Бобурни тасаввуф тариқатининг фидойиси дея олмаймиз. У «Бобурнома»да тасаввуф истилоҳини қарийб ишлатмайди, бу ғоя тарафдорлари, тариқат аҳли ҳақида тасвирланаётган воқеа-ҳодиса боис сўз юритмаса, алоҳида таъриф-тавсиф бермайди. Аммо бу тариқатнинг пири Хожа Аҳрори вали – унинг учун алоҳида сиймо: пешво, халоскор, йўл кўрсатувчи, энг мураккаб пайтда кўмакка етиб келувчи шахс. Энг муҳими, Хўжа Аҳрор давр маънавий муҳитининг сарвари эканлиги аниқ, Бобур эса бу шахсни бу даражадан ҳам юқори қўяди.

Заҳириддин Бобур турли султон, бек, темурийзодаларнинг ахлоқ-атвори ҳақида гапирганда, уларга Хожа Аҳрор валига бўлган муносабатига асосланиб баҳо беради. Агар таърифланаётган шахс Хожа Аҳрорни эҳтиром этса, у ахлоқан етук, агар унга шак келтирган бўлса, бадахлоқ, нокас бўлиб чиқади. Бобур атрофдагиларга фақат Хўжа Аҳрори вали эмас, ҳатто унинг ўғиллари, яқинларига нисбатан муносабатига қараб баҳо беради.

«Бобурнома»да Хожа Аҳрор вали ҳақидаги дастлабки маълумотни Бобурнинг отаси Умар Шайх мирзога берган таърифида кўрамиз: «Ҳазрати Хожа Убайдуллога иродати бор эди, суҳбатлариға бисёр мушарраф бўлуб эди, ҳазрат Хожа ҳам фарзанд деб эдилар". Умар Шайх мирзо қандай хислатларга эга эдики, Хожа Аҳрор уни ўз фарзанди сифатида кўрган? Яна «Бобурнома»да ўқиймиз: «Бисёр саховати бор эди. Хулқи дағи саховатича бор эди, хушхулқ ва ҳарроф ва фасиҳ ва ширинзабон киши эрди, шужоъ ва мардона киши эди». Бобур Умар Шайхнинг яна бир юксак инсоний хусусияти ҳақида ёзади. Хитойдан бир савдо карвони келаётганда, қор тагида қолиб, ундан атиги икки киши жон асраб қолади. Умар Шайх карвон молларини ипидан игнасигача рўйхат қилиб, икки йил сақлайди ва мол эгасини топиб, барчасини топширади. Бобур отаси Умар Шайхнинг анчагина камчиликларини ёзади, бу салбийлик унинг уруш олиб бориш, мулкка мулк қўшишга уқуви йўқлигида кўринган. Аммо унинг давр султони бўлиб «Хамсатайн» ва маснавий китоблари, тарихга оид рисолалар, «Шоҳнома»ни ўқиганини билдирар экан, Хожа Аҳрори валига бўлган юксак садоқати боис маърифатга меҳри борлигига урғу беради. Бу билан отасининг Хожа Аҳрорга нега фарзанд қаторида бўлганлигини таъкидламоқчи бўлади. Демак, Хўжа Аҳрор ўз даврининг ахлоқий тарбия бобидаги устози, пири муршиди сифатида шахс характеридаги Умар Шайх хислатларидек жиҳатларни маъқул кўрган, қўллаган. «Бобурнома»да муаллиф бирон кишининг ахлоқи, маданияти ҳақида фикр билдирар экан, унинг учун Хожа Аҳрор шахсияти мезон вазифасини бажарган. Биз ҳам таҳлилимизда шу мезонни асос билдик.

Заҳириддин Бобур ўзининг қаламравидаги шахслар билан муносабати, дипломатик алоқаларидаги кўпгина нозик жиҳатларда Хожа Аҳрор валининг ўша даврдаги сиёсий таъсирига кўп эътибор беради. Бирон бир тарихий воқеа, ёки шахс Хожа Аҳрор билан озгина боғлиқ бўлса ҳам, пирининг номини зикр этишга, изоҳ беришга ҳаракат қилади. Масалан, у Самарқанд шаҳри архитектураси, Амир Темур қурдирган иморатлар ҳақида сўз юритар экан, Кўксарой ҳақида гапиради. У бу кошонани «ажаб хосиятлиқ иморатур" деб таърифлаб, Амир Темурдан Бобур давригача салтанат вазифасига тайинлаш, маълум сабабга кўра мансабдан олиш ёки ўлим жазоси ва бошқа ҳукмлар ижроси шу саройда амалга оширилгани ҳақида гапириб, Султон Али мирзо тақдирини ҳикоя қилади: «Султон Али Мирзони Кўксаройга чиқариб, кўзларига мил торттилар. Жарроҳнинг ихтиёри била у бехост милидин Султон Али мирзонинг кўзларига осебе етмади. Филҳол изҳор қилмади. Хожа Яҳёнинг уйига борди. Икки-уч кундин сўнг қочиб Бухороға, тархонларға борди. Ҳазрати Хожа Убайдуллонинг авлодининг орасида бу сабабдин таассуб тушти. Улуғи улуғиға мураббий бўлди, кичиги кичигиға муқаввий».

Бунда Бобур Хожа Аҳрорнинг ўғли Хожа Яҳёнинг халоскор, ноҳақликларга муросасиз шахс экани ҳақида сўз юритмоқда. Хожа Яҳёнинг бу ҳаракати ўша давр султонларига ёқмаган, улар-

нинг ораларида ихтилоф чиқишига сабаб бўлган. Бироқ бу ҳол, аксинча, Хожа Аҳрор авлодлари обрўсини кўтарган, улар ўзаро яна жипслашиб, бир бирини етаклаган («улуғи улуғига мураббий бўлди, кичиги кичигига муқаввий» ).

Бобур 1497-1498 йил воқеаларини зикр этар экан, султонликлар орасидаги муросасизлик оқибатида қанчадан-қанча олиму фузало, машҳур кишилар дунёдан кўз юмганлиги ҳақида фикр билдирган. Шулардан бири Абдулла Хожа Мавлоний Ғозидир. Бобур бу шахсга, асосан, ижобий баҳо беради. Унинг ростгўйлиги, далер ва қўрқмаслигини инсоний хислати деб билади. Бобур ўша даврдаги феодал қарама-қаршиликлардаги мақсадсиз урушлар, муносабатлардаги ноҳақ қурбонлик, қирғинбаротларни қоралайди, даврнинг етук кишилари, олиму фозилларининг бемаҳал оламдан ўтишларини қайғу билан гапиради. Ўша давр султони фақат Хожа Мавлонийдан қасд олмасдан, унинг барча яқинлари, уруғига ҳам зарбалар берганини афсус билан қайд қилади: «Хожанинг воқеасидан сўнг Хожага мансуб эллар, мисли навкар ва чокар ва аймоқ ва аҳшомни тамом туттуриб талаттилар».

Бобурнинг юқоридаги баҳосида «Хожа Ғози Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳнинг муриди эди. Алардин тарбият топди. Хожа Ғозининг валилигига менинг ҳеч шакким йўқтур. Қайси киши валоятқа мундин яхшироқ далилдурким, аларға қасд қилғонлардин оз фурсатга осор ва аломат қолмади» деган фикр бор. Бундан қуйидагича хулоса қилиш мумкин. Хожа Ғози сингари шахслар «Бобурнома»га Бобурнинг Хожа Аҳрор валига бўлган юксак эътиқоди боис кириб қолган бўлиши мумкин.

Фикримизнинг тасдиқи учун яна бир–икки мисолга мурожаат этамиз. 1498–1499 йил воқеалари. Бобурнинг салтанатга эришиш йўлидаги саргардон йиллари. Унинг йўли Хўжанд ва унинг атрофидаги ерлардан ўтади. У Хўжандда тўхтамоқчи, аммо «Хўжанд мухтасар ередур. Юз-икки юз навкарлик кишининг авқоти ташвиш била ўтар”ли жойдан умидини узиб, бошқа чора қидиради. Бобур қалбига яқин, ўзи ва отасининг пири Хожа Аҳрори валига мансуб Ёряйлоқнинг Пашоғар кентида жойлашади. Бобур бу энг оғир дамда ҳам пири муршиди «соя»сидан макон ва ором топган, худди ўз мулкидек бир қиш давомида аскару беклари билан яшаган. Масаланинг иккинчи томони: шу ерлик кишилар ҳам Бобурни Хожа Аҳрори вали муриди, юксак ихлосманди эканлиги боис беозор қабул қилган: «...Муҳаммад Ҳусайн кўрагон дуғлатким, Ўратепадин эди, Самарқандға эврушмак доияси била анча кишилар йибориб, сўзлашиб, Ёряйлоқ кентларидин Пашоғарником, Ҳазрати Хожанинг мулк кентларидиндур, бу фатаратга анча тааллуқ бўлуб эди, тиладукким, бу қиш орияти бергин, то анда ўлтуруб Самарқанд вилоятиға иликдан келганча эврушгаймиз».

1500–1501 йил воқеалари. Шайбонийхоннинг Самарқандда муқим давлатчилик қилишга астойдил киришган пайти. Бобур бу давр воқеа-ҳодисаларини тасвирлар экан, Шайбонийхоннинг сиёсий қарашларини Хожа Аҳрори вали авлоди, айниқса, унинг ўғли Хожа Яҳё шахсияти атрофида кўриб чиқишга ҳаракат қилади. Хожа Аҳрор вафотидан сўнг ҳам бу хонадоннинг етук вориси бўлган Хожа Яҳёнинг обрў-эътибори Самарқанд ва Хожа Аҳрори вали тасарруфидаги ерларда ҳали кучли бўлган. Бу Мовароуннаҳрга даъвогар Шайбонийхон учун хавфли эканлигини «Бобурнома»да тез–тез ўқиймиз. Бобур Шайбонийхоннинг Хожа Яҳё билан учрашганини тасвирлар экан, «Хожа ҳам чиқти. Шайбонийхон қўпмай-ўқ кўришти. Бир пора шикоятомиз сўзлар айтти», дейди. Бироқ, Шайбонийхон қанчалик ғалаба нашидаси устида бўлмасин, Хожа Аҳрор авлоди билан ҳисоблашган ва Хожа Яҳёни кузатаётиб унга таъзим этган: («Хожа Яҳё қўпқонда Шайбонийхон таъзим қилиб қўпти»). Бироқ Шайбонийхон Хожа Аҳрори вали таълимоти, унинг шуҳрати ва фарзандларининг таъсир кучидан қўрққан: «Хожа Яҳёдин чун Шайбонийхон мутаваҳҳим эди икки ўғли Хожа Муҳаммад Закариё ва Хожа Боқий била Хуросан сари рухсат берди. Кейиндин бир неча ўзбак бориб, ҳазрат Хожани икки йигит ўғли била Хожа Кордзан навоҳисида шаҳид қилдилар». Ана шу мисолда ҳам Бобурнинг не чоғлик Хожа Аҳрори вали зурриётига куюнгани, Шайбонийхоннинг шунчалик буюк хонадон давомчиларини аёвсиз қирганини надомат билан баён қилганини кўрамиз.

Султон Аҳмад Мирзо ҳам Хожа Аҳрори валига сидқидилдан эътиқод қилганлардан. Бобур уни «Ҳазрати Хожа Убайдуллоға иродати бор эди» дер экан, ахлоқини сифатлайди ва ғаройиб бир мисол келтиради. Бобур фикрини келтиришдан олдин шуни таъкидлаш жоизки, «Бобурнома»да аждодларимизнинг ёшлар маънавияти ва тарбиясига оид ҳар бир хатти-ҳаракатида тарбия ва одоб жиҳатлари мавжуд бўлиб, уларнинг заррали ҳам инобатга олинган, шахс ахлоқини белгилашда хизмат қилган. Ҳатто кишининг ўтириши, туриши, қўл-оёқ, тана, кўз, қошининг озгина ўринсиз ҳаракати ҳам одобсизлик сирасига кирган, даврада ўтириш, катталар ҳузурида одоб-ахлоқ талабларига риоя этиш тарбия белгиси ҳисобланган. «Бобурнома»да Султон Аҳмад Мирзонинг ўз пири, устози олдида ноқулай аҳволга тушиб қолиши ва Хожа Убайдулланинг зийраклиги орқали бу жиҳатнинг ёритилиши мисол тариқасида келтирилади: «Хожа

суҳбатида, дерларким, ҳаргиз Хожа мажлисида тизи бир-бир тизига ёвуткаган эмастур. Бир навбат ҳазрати Хожа суҳбатида бар хилофи одат оёғини ёвуткаб ўлтирубтур. Мирзо кўпқондин сўнг ҳазрати Хожа буюрубтурларким, Мирзо ўлтурғон ерни боққайлар: бир сўнгак бор экандур».

Бунда устоз Хожа Убайдулла ўз шогирди – давр султонзодасининг бир қараганда арзимас камчилигига эътибор бермоқда. Султон Аҳмад ўз устози ҳузурида одобдан енгил чекилиш ҳолатида бўлиб, оёғини узатиброқ ўтиради. Бу ҳолатни зийраклик билан сезган Хожа Аҳрор хизматчиларга у ўтирган жойни кўздан кечиришни буюрганда, султонзода ўтирган жойнинг тагидан суяк чиқади ва бу камчиликда унинг айби йўқлигини Хожа таъкидлайди.

Бугунги ёшларни гиёҳвандлик, шаробхўрлик, ўзга ғайриахлоқий ҳаракатлардан асраш қанчалик мушкул кечаётганлигини кўрамиз. Юқоридаги кичик бир тасвир шахс ахлоқининг ноқислигини кўрсатмайди, балки ёшларда устоз олдида эҳтиромни ҳамма вақт сақлаш, ножўя ҳаракатларга эрк бермасликни тарбиялайди. Ёшлар инсоннинг ахлоқан комиллиги унинг ҳар бир хатти-ҳаракатида намоён бўлиши, ана шу кичик деталларнинг умумий йиғиндиси кишига «ахлоқли» деган юксак баҳонинг берилишига сабаб бўлишини ҳамиша англашлари зарур бўлади. Акс ҳолда, биз томонимиздан содир этиладиган биргина ношоиста ҳаракат, ўринсиз айтилган сўз ахлоқимизга путур етказиши, унинг ислоҳи эса кўп вақт, машаққатлар эвазига амалга ошиши, айрим ҳолда у кишида бир умрлик доғ бўлиб қолиши мумкин.

Заҳириддин Бобур Султон Аҳмад мирзо ҳақида фикрини давом эттирар экан, устоз-шогирд масаласига жуда катта эътибор беради. Бунда Хожа Убайдулла ўз даврининг юксак устози, муаллими, руҳшунос-педагоги сифатида гавдаланади. Темурийлар саройида султонзодалар, асосан, саводли, шеърият мухлиси, турли фан соҳаларидан хабардор шахс этиб тарбияланганлар. Бобур фикрича, бу хислатлар Султон Аҳмадга хос эмас, у «ҳеч нимарса ўқуғон эмас эди, оми эди. Бовужудким, шаҳрда улғайиб эди, турк ва содда эди. Табъида баҳраси йўқ эди». Бироқ даврнинг тасаввуф илми пешвоси, пири Хожа Убайдулла Аҳрори валининг устозлиги, ахлоқий ўгитлари боис Султон мирзонинг жуда кўп муаммолари ўз ечимини топган, яъни «шаръ тариқи била файсал топар эди». Ана шу аллома тарбияси боис у фақатгина диний қарашларда эмас, балки шахс, давлат арбоби сифатида ҳам «аҳд ва қавлиға рост ва дуруст эди. Ҳаргиз андин хилофе зоҳир бўлмади».

Юқорида Хожа Убайдулла Аҳрори вали давр маърифатига мансуб шахсларнинг пири, устози, Султон Аҳмад эса бу буюк алломанинг муриди, ихлосманларидан эканлигини айтдик. Бироқ унинг туғишган укаси, султонзода Султон Маҳмуд мирзо буткул унинг хилофи («Ҳазрати Хожа Убайдуллоға истихфоф қилур эди»). Бобур шу жумланигина келтириб ҳам сўз қайси хислатдаги одам ҳақида бораётганлигини билдиргандек бўлади, унинг дунёқараши, жамиятдаги мавқеи, тафаккур чегарасига баҳо беради. Шу боис ҳам Султон Маҳмудга юксак инсоний туйғулар бегона, шаккоклик ва бебоклик ғолиб, ғайриахлоқий хислатлар унинг турмуш тарзи бўлиб қолган: «Бадэътиқод киши эди... Юраксиз киши эди. Ҳаёси камроқ эди. Бир неча масхара ва бебок теграсида бор эди. Девон бошида ва халойиқ қошида зишт ва шаниъ ҳаракатлар қилурлар эди. Бадкалом эди. Сўзини филхол англаб бўлмас эди».

1502-1503 йиллар воқеалари, феодал тортишувлардан чарчаган, мағлубиятлар шаробини ичган Бобур ёзади: "Ўзумни ўлумга қарор бердим. Ўшал боғда (Карнон маҳалласи-Ҳ.Қ.) бир сув оқиб келадур эди, вузу қилдим, икки ракъат намоз ўқудум, бошимни муножотқа қўюб, тилак тилайдур эдимким, кўзум уйқуға борибтур. Кўрадурменким, Хожа Яъқуб Хожа Яҳёнинг ўғли ҳазрати Хожа Убайдуллонинг набиралари рўбарўйимға аблақ от миниб кўп жамоати аблақ сувор билан келдилар. Дедиларким, ғам емангиз, Хожа Аҳрор мени сизга йибордилар. Дедиларки, биз аларға истинонат тегуруб, подшоҳлиқ маснадиға ўлтурғузуббиз. Ҳар қаерда мушкил иш тушса, бизни назариға келтируб, ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз. Ҳоло ушбу соат фатҳ ва нусрат Сизнинг соридур. Бош кўтаринг, уйғонинг".

Бобур илоҳий қудрат ўзининг томонида эканлиги ва мурувват Хожа Аҳрорнинг меҳри туфайли амалга ошганлигини шунда сезади. Матндаги фалакиёт ҳодисаси ва илмий якунга эътибор берайлик. Хожа Аҳрор Бобурни келажакда етук ва забардаст подшоҳ бўлишини олдиндан билдирмоқда, аниқроғи, валилик кароматини кўрсатмоқда ва уни ўз ҳимоясига олмоқда ("дедиларким, биз аларға истиноат тегуруб, подшоҳлиқ маснадиға ўлтурғузуббиз").

Бобур Хожа Аҳрорни тушида кўриб, ундан мадад кутган пайтдан бир оз олдин ёнига Қутлуқ Муҳаммад Барлос келиб, унинг қаердалигини тушида Хожа Аҳрор аниқ кўрсатганини айтади. Бу илоҳий, руҳий ҳолатни тасвирлаган Бобур нечоғлиқ шунга ишонгани, руҳланганлигини билдириб, сўзини давом эттиради: "Қутлуқ Муҳаммад Барлос дедиким, Ахсидан қочиб чиққанда сиздин айрила тушганда Андижон келдимким, хонлар ҳам Андижон келибтурлар. Мен туш кўрдумким, Хожа Убайдулло де-

диларким, Бобур подшоҳ Қарнон деган кенттадур подшоҳлиқ маснади анга тааллуқ бўлибтур. Мен бу тушни кўруб, хушҳол бўлуб, улуғ хон, кичик хонга арз қилдим, хонларға дедимким, менинг беш-олти иниўғлим бор, яна бир неча йигит қўшунгиз, Қарнон тарафидин бориб хабар олайин".

"Бобурнома"да Хожа Аҳрор шахсияти билан боғлиқ яна бир тушнинг тафсилоти баён этилган. 1501 йили ёш саркарда Бобур Самарқандни ишғол этишга киришар экан, кўп қийинчиликларга дуч келади, бир неча марта мағлубиятга учрайди. Навбатдаги уруш олдидан Бобур туш кўради. Шу туш воситасида муаллиф Хожа Аҳрори вали образи, унинг жамиятдаги мавқеини тасвирлайди. Бобур "Хожанинг олиға ғолибо бетакаллуфроқ дастархон солмишлар" дер экан, буни унинг обрў-эътибори, мавқеига муносиб ҳаракат қилинмаганидан далолат деб билади. Аввал Хожа бу дастурхонни Бобур томонидан солинган, деб гумон қилса, кейин англайдики, бу ишни бошқа киши бажарган экан. Шундан кейин Хожа Аҳрор Бобурга лутф кўрсатади ва уни даст кўтариб, туркий тилда "шайх маслаҳат берди", дейди. Бобур ёзади: "ўшал неча кунда ўқ Самарқандни олдим". Бу туш тафсилотидан кўриниб турибдики, Бобур Самарқандни қайта қўлга киритишини Хожа Аҳрор руҳиятининг уни қўллаганидан деб билган. Бобур бу туш "қисса"сининг давомида яна айрим далилларни келтиради. Биринчидан, Хожа Аҳрор ёш Бобурга иноят қилиб, даставвал меҳр кўргузади ("Хожа фаҳм қилиб, бу узр масму тушти"). Хожа Аҳрорнинг Бобурга муносабати Шайх маслаҳати (тариқат шайхи назарда тутилмоқда) орқали янада тўлдирилади. Бу туш тасвири ҳам, юқоридаги туш мазмунидек, Бобурнинг тушга, туш орқали шайх, буюк шахсларнинг илоҳий қудратига ишонгани, эътиқод қўйганлигини билдиради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур умрининг охирларида жиддий бемор бўладиган бўлди. Табибларнинг меҳрибонлиги ва курашлари ҳамиша ҳам яхши натижа билан тугамаган. У ёзади: «Одина куни, ойнинг йигирма учида ҳарорате баданимда зоҳир бўлди. Андоқким, жумъа намозини масжидта ташвиш била ўтадим, намози пешин эҳтиётини қилиб, китобхонада бир замондин сўнг машаққат била ўтадим. Индини, якшанба куни иситиб, озроқ титрадим». «Бобурнома»ни синчковлик билан мутолаа қилган ўқувчига шу аён бўладики, Бобур ўзининг касаллиги ҳақида ҳамиша ҳам ёзмайди. Агар беморлик уни жуда қийнаган тақдирда, у «Бобурнома»да бу борада маълумот берган, холос. Юқоридаги ҳолатда ҳам унинг касаллиги анча жиддий бўлган.

Бобур Хожа Аҳрори валига фақатгина пир сифатида муносабатда бўлмаган, балки бу машҳур мутасаввуфнинг асарларини диққат билан ўрганган. Масалан, устозининг «Волидия» номли асар ёзгани, «Қасидаи Бурда»га қўл урганда Аллоҳга юксак эътиқоди боис давоси мушкул касалликдан фориғ бўлганлигини таъкидлар экан, ўзича шу асарни туркий тилга таржима қилиш ва Хожа Аҳрори валига юксак садоқати боис ўзи ҳам мавжуд касалликдан фориғ бўлишни орзу қилади. Мазкур матнни келтиришдан олдин шуни таъкидлаш жоизки, бу мисол Бобурнинг Хожа Аҳрори валига бўлган юксак инсоний эътиқоди, таъзим этиш даражасидаги эҳтиромидир. «Сешанба кечаси, сафар ойининг йигирма еттисида ҳазрат Хожа Убайдулланинг «Волидия» рисоласини назм қилмоқ хотиримдан кечти. Ҳазратнинг руҳига илтижо қилиб, кўнглумга кечурдимким, агар бу манзум ул ҳазратнинг мақбули бўлур, худ нечукким, соҳиби «Қасидаи Бурда»нинг қасидаси мақбул тушуб, ўзи афлаж маразидин халос бўлди, мен дағи бу оризадин қутулуб, назмимнинг қабулиға далиле бўлғусидур. Ушбу ният била рисола назмиға шуруъ қилдим.. Тенгри инояти била Ҳазратнинг ҳимматидин панжшанба куни, ойнинг йигирма тўққизида андаке афсурда бўлди, ўзга бу оризадин халос бўлдум».

«Бобурнома»даги саноқсиз факту рақамлардан, 1650 дан ортиқ шахс номи келтирилган асардан икки кишининг муносабати ва улар билан боғлиқ бир неча шахсларнинг характерини изоҳлаш заминида Заҳириддин Бобурнинг отаси Умар Шайх мирзо даврида шуҳрат топган, ўзи ҳатто кўрмаган пири, маънавий раҳнамоси Хожа Аҳрор валига ўта юксак эътиқод билан қараганини баҳоли қудрат кўриб чиқдик. Шу аснода қадриятимиздаги Комил инсонни тарбиялаш, кишида умуминсоний хислатларнинг барқарор бўлишида улуғларимизнинг ўзаро муносабатлари беқиёс ибрат эканига, эзгулик, пок хислат инсон умрининг безаги эканлигига яна бир карра гувоҳ бўлдик. Бу манбалар бугунги ёшларимизнинг миллий истиқлолимиз ғоялари руҳида тарбия олишларига ҳам кўмак беради деган умиддамиз.

*Ўзбекистон Республикаси*
*Халқ таълими вазирлиги,*
*2009 йил 18 октябрда қабул қилинган.*